

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВА СЕВАРА ЭГАМКУЛОВНА**

**УЙҒУНЛАШГАН ДАМБА БИЛАН БИР ТОМОНЛАМА СИҚИЛГАН  
ОҚИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Шукурова Севара Эгамкуловна**

Уйғунлашган дамба билан бир томонлама сиқилган оқим  
қонуниятлари..... 3

**Шукурова Севара Эгамкуловна**

Закономерности потока односторонне стесненного комбинированной  
дамбой..... 20

**Shukurova Sevara Egamkulovna**

Patterns of flow unilaterally obstructed by a combined dike..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВА СЕВАРА ЭГАМКУЛОВНА**

**УЙЎНЛАШГАН ДАМБА БИЛАН БИР ТОМОНЛАМА СИҚИЛГАН  
ОҚИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т.536 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бакиев Машариф Рузметович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат  
кўрсатган фан арбоби

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадов Рустам Анварович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Икрамова Малика Рахимбердиевна**  
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 17 феврал соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2018 йил 17 феврал кuni тарқатилди.  
(2018 йил 17 феврал даги № 2 расмий реестр баённомаси).



**Т.З.Султанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А. Янгиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**О.Я.Гловацкий**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда дарё қирғоқлари ювилиши, шаҳарларни сув босиши, сув тошқинлари олдини олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. «Ер юзидаги мавсумий тошқинлар рўй берадиган ҳудудларда 1 млрд аҳоли истиқомат қилади»<sup>1</sup>, шу жиҳатдан дарё ўзанларини тошқин сувларини ростлаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан АҚШ, Канада, Германия, Испания, Россия ва бошқа давлатларда ростлаш иншоотлар конструкцияларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ўзан ростлаш, қирғоқларни ювилишдан ҳимоя қилиш иншоотлар конструкцияларини, ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан уйғунлашган дамбалар конструкцияларини такомиллаштириш, уларни лойиҳалашда ростлаш трассасини белгилаш, маҳаллий ва умумий ювилиш чуқурликларини аниқлаш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда ўзанлардан сувларни барқарор ва хавфсиз ўтказишга, сув объектларини муҳофаза қилиш тизимларини, қирғоқларни мустаҳкамлаш иншоотлари конструкцияларини ҳамда уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда қирғоқ бўйларини мустаҳкамлаш ва тошқинларнинг олдини олишга қаратилган ишларга ҳар йили 36 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Ушбу йўналишда, жумладан ростлаш иншоотларида авария ва бузулиш ҳолатлар юз беришининг асосий сабаблари сифатида, уларнинг конструкцияларини, ҳисоблаш ва лойиҳалаш услубларининг мукамал эмаслиги, иншоотлар қайирда ва ўзанда жойлашганда, уларнинг гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришни амалга ошириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»<sup>2</sup> таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш уйғунлашган дамбаларни яратишга оид тамойилларни ва конструкцияларни такомиллаштириш, оқим динамик ўқининг оғиши, иншоот ортидаги сиқилиш ва таралиш зоналарида оқим кенгайишини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-

<sup>1</sup>Истомина М.Н. Комплексная оценка крупных наводнений в мире и их негативных последствий <http://www.dissercat.com/content/kompleksnaya-otsenka-krupnykh-navodnenii-v-mire-i-ikh-negativnykh-posledstviu>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2013 йил 28 февралдаги ПҚ-1926-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва аҳолисини, сел-тошқин ва кўчки ходисалари билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдан 13-сон «2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ростлаш иншоотлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий тадқиқотлар қуйидаги олимларнинг ишларида ўз аксини топган: Sharma K., Mohapatra P.K.; S.S.Y. Wang (АҚШ), Hossein Azinfar, James A. Kells (Канада); R. Mayerle (Германия); F. M. Togo (Испания); Н. Md. Azamathulla и Aminuddin Ab. Ghani (Малайзия); J. Yazdi, Н. Sarkardeh (Эрон); Mete Koken ва Mustafa Gogus (Туркия); Sanjay A. Burele, Ishwer D. Gupta, Mahanand Singh; Nayan Sharma; Zulfeqar Ahmad (Ҳиндистон); Чалов Р.С., Правдивец Ю.П., Малышев Б.Н., Ламерданов З.Г., Хмелев В.А., Жирнова Е.А., Беликов В.В., Школьников С.Я. (Россия); Цымарная Н.А. (Украина); Бакиев М.Р., Базаров Д.Р., Рахимов Ш.Х., Бегимов И. (Ўзбекистон).

Қуйидаги олимлар томонидан дамбалар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган: С.Т. Алтунин, И.А. Бузунов, А.М. Мухамедов, Х.А. Ирмухамедов, К.Ф. Артамонов, Ф.Ш. Ишаев, Р. Уркинбаев, М.Р. Бакиев, Н.Рахматов, О. Кодиров, Саад С.С., Р.А. Мурадов, М.Р. Икрамова, А.С. Образовский, Г.В. Васильченко, Е.А. Львов, С. Анис ва бошқалар; муайян даражада ижобий натижалар қўлга киритилган, жумладан, қурилиш коэффициенти поғонали ўзгарувчан сув ўтказадиган дамбаларни ҳосил қилиш принциплари, уйғунлашган дамбаларни, қуришга доир умумий тамойиллар, қурилиш коэффициенти ўзгармас қисми сувга кўмилган, кўмилмаган уйғунлашган дамбаларни ҳисоблаш усуллари, маҳаллий ювилиш чуқурлигини аниқлаш, тоғ олди зонасида жойлашган дамбаларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар.

Келтирилган такомиллаштирилган лойиҳалаш услублари оқим динамик ўқи оғишини баҳоламасдан бажарилмоқда. Сув ўтказиш қобилиятига сув ўтказувчи қисмларнинг ўзгарувчан ва поғонали қилиб бажарилишининг сув ўтказмайдиган қисм узунлигининг таъсири ўрганилмаган, қурилиш

коэффициенти ўзгарувчан, поғонали, кўмилган уйғунлашган дамбалар ортидаги оқимнинг таралишини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.8-сон «Гидротехник иншоотлар конструкцияларни такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2015), 4.1/2015, 4.2/2015-сон «Қорақалпоғистон Республикасидаги Турткўл, Эллиққалъа, Беруний ва Хоразм қишлоғидаги Хонқа, Боғот, Урганч туманлари ҳудудидаги Амударё дарёсининг ўнг ва чап қирғоқларини ҳимоялаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш» (2015), 16/2017-сон «Амударёнинг Туябўйин-Қипчок ҳудудида ўзани икки томонлама ростлаш бош план-схемасини ишлаб чиқиш» (2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уйғунлашган дамбалар конструкцияларини, уйғунлашган дамба билан сиқилган оқимнинг гидравлик параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

уйғунлашган дамбалар билан сиқилган оқимни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;

дарё ўзани қирғоқларини ҳимоя қилувчи уйғунлашган дамба конструкциясини такомиллаштириш;

уйғунлашган дамба томонидан бир томонлама сиқилган оқимнинг динамик ўқи оғишини ҳисоблаш ва лойиҳалаштириш усулини ишлаб чиқиш;

уйғунлашган дамба ва сиқилмаган оқим қисми сув ўтказиш қобилиятини гидравлик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

уйғунлашган дамбалар билан сиқилиш зонасида сиқилган оқимнинг гидравлик параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларидаги ўзани ростлайдиган ва қирғоқларни ҳимоя қиладиган иншоотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** уйғунлашган дамбаларнинг ўзан оқимиға таъсири, сиқилган оқим динамик ўқининг оғиши, ўзан сув ўтказиш қобилияти ҳамда оқим тартиботи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, ўзан гидротехникаси, гидравлик моделлаштириш, экспериментал натижаларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

уйғунлашган дамбаларни ҳисоблаш усуллари турбулент струялар назарияларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

қирғоқларни самарали ҳимоя қилиш мақсадида уйғунлашган дамба конструктив параметрлари такомиллаштирилган;

ўзгармас, ўзгарувчан, поғонали, кўмилган қисмли ва такомиллаштирилган конструкция билан сиқилган оқимнинг динамик ўқи

оғишини ҳисоблаш усули оқимнинг гидравлик параметрлари асосида такомиллаштирилган;

уйғунлашган дамба ва ўзан сиқилмаган қисмининг сув ўтказиш қобилиятини аниқлаш усули оқимнинг гидравлик параметрлари асосида такомиллаштирилган;

уйғунлашган дамбалар билан сиқилиш зонасида сиқилган оқимнинг гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари сув ўтказадиган қисмлардаги оқимнинг турли кинетиклик даражаси, бўйлама ва кўндаланг нишабликларни инобатга олиб такомиллаштирилган;

сув ўтказадиган қисмлари ўзгарувчан, поғонали ва сув чиқарадиган қисмли уйғунлашган дамбалар томонидан сиқилган оқим таралишини ҳисоблаш усули оқимнинг гидравлик параметрлари асосида такомиллаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

уйғунлашган дамбанинг янги конструкцияси яратилган, унинг асосий афвзаллиги сув ўтказадиган қисмни, ўзгармас, ўзгарувчан, поғонали қилиб бажариш мумкинлиги ҳамда водослив қисми юза оқизикларни ўтказиши ва сув энергиясини каллак олдида сўндириш имконияти орқали асосланади;

уйғунлашган дамбаларнинг турли схемалари ва конструкциялари учун оқим динамик ўқи оғишини ҳисоблашга доир янги усул ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида ўзанин ростлаш трассаси белгиланган;

сиқилган створда ўзан ва уйғунлашган дамбанинг сув ўтказиш қобилиятини аниқлаш усули ишлаб чиқилган, унинг ёрдамида максимал сув сарфини ўтказиш шартидан иншоотнинг мақбул ўлчамлари аниқланган;

сиқилган зонада тезлик майдонини ҳисоблаш учун назарий ифодалар таклиф қилинган, улар ёрдамида иншоот каллагини атрофидаги ювилиш чегараси ва тубдаги қоплама ўлчамлари белгиланган;

уйғунлашган дамбалар учун оқимнинг таралишини ҳисоблашга оид янги усул яратилган бўлиб, у ёрдамида тезлик майдони ва гирдобли зоналар узунлиги ҳисобланади, ювилиш чегараси ва дамбалар орасидаги масофа белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисобий ва назарий маълумотларни солиштириш, назарий механика, физика ва гидромеханиканинг умумий қонуниятларидан, шу билан бирга, бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан қиёслаш, ҳамда таклиф этилган конструкцияга патент олинганлиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уйғунлашган дамбаларни ҳисоблашга оид назарий асослар ишлаб чиқилган бўлиб, улар кўндаланг оқимлар ва турбулент струялар назариясини бойитиши, шунингдек, янги конструкция ва ҳисоблаш услубиятининг такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бевосита гидравлик ҳисоблаш услублардан фойдаланиш орқали уйғунлашган дамбаларни лойиҳалаштиришда ювилиш чегаралари, тезлик майдони, иншоотлар орасидаги масофаларни белгилаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уйғунлашган дамба билан бир томонлама сиқилган оқим усулларини такомиллаштириш асосида:

дарё қирғоқларини ҳимоя қилувчи ва ўзанларни ростловчи конструктив параметрлари такомиллаштирилган, уйғунлашган дамба конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган («Қирғоқни ҳимояловчи шпора» №FAP 00925-2014 й.). Натижада дарё қирғоқларини ювилишдан самарали ҳимоя қилиш имкони яратилган;

уйғунлашган дамба ва ўзан сиқилмаган қисмининг сув ўтказиш қобилиятини ҳисоблаш усули, сув ўтказадиган қисмлари ўзгарувчан, поғонали ва сув ўтказадиган қисмли уйғунлашган дамбалар билан сиқилган оқим таралишини ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги тасарруфига кирувчи «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмасига қарашли «Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси»га, Қуйи-Амударё ирригация тизимлари хавза бошқармасига қарашли «Карамзи-Қиличбай ирригация тизимлари бошқармаси»га ўзанларни ростлашда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 19 декабрдаги 04/30-1359-сон маълумотномаси). Натижада ўзан ҳолатига мос бўлган қирғоқларни ювилишдан ҳимоя қилиш иншоотини қуриш натижасида дарё қирғоқларининг ювилмаслигини таъминлаш имкони яратилган.

уйғунлашган дамбанинг такомиллаштирилган конструкцияси Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги «Давсувхўжаликназорат» республика инспекциясининг тақдимномасига биноан «Андижон лойиҳа-қидирув экспедиция»сида тадбиқ этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 19 декабрдаги 04/30-1359-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг жорий этилишида Андижон вилояти Балиқчи туманидаги ҳарбий қисм зонасида Сирдарё дарёси қирғоғининг ювилишидан ҳимоя қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-техник, шу жумладан 4 та халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 7 мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда, 5 таси республика журналларида ва 1 та фойдали моделга патент.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 - бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оқим ва уйғунлашган дамбаларнинг ўзаро таъсири, ҳисоблаш усуллари ва лойиҳалаштириш бўйича тадқиқотларининг ҳолати**» номли биринчи бобда сунъий ўзанларни лойиҳалаштиришнинг мавжуд усуллар таҳлили келтирилган.

Сунъий ўзанлар ростлаш иншоотлари ёрдамида бунёд этилади. Ростлаш иншоотлар деганда ўзанни тўсмасдан сув оқимини муайян йўналишда бошқариш назарда тутилади. Вазифасига кўра улар қуйидаги турларга бўлинади: ҳимояловчи (қирғоқ, иншоот, кўприк ва бошқалар ҳимояси). Оқим билан таъсирланиш хусусиятига кўра улар сув ўтказмайдиган, сув ўтказадиган, юзада жойлашган, кўмилган, тубдаги уйғунлашган турларга бўлинади. Оқим ўқиға нисбатан эса кўндаланг ва бўйлама шаклида бўлиши мумкин.

Сув олиш иншооти ёнида дарё ўзанни ростлашнинг вазифаси, сув олиб кетувчи сунъий ўзанларни ҳосил қилиш бўлиб улар ёрдамида юқори ва пастки бьефларда керакли оқим структураси шакллантирилади, тўғон билан ўзанни силлиқ туташтирилади, оқимни ҳар томонга кетиши бартараф қилинади, туб оқизиқларга қарши кураш амалга оширилади.

С.Т. Алтунин томонидан таклиф этилган классик ростлаш схемаси, ростланадиган ўзанларни яратиш усуллари, САНИИРИ таклифи бўйича Амударё ўзанини ростлаш схемаси, КМК сув олишда Амударё ва Тахиатош гидроузели ўзанини уйғунлашган дамбалар билан билан ростлаш лойиҳалари келтирилган. Лойиҳалаштиришнинг асосий вазифалари келтирилган.

Чет эл ва маҳаллий муаллифларнинг тадқиқотларига биноан ўзан оқими ва ростлаш иншоотларнинг ўзаро таъсирига оид мавжуд ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур тадқиқотларда асосий эътибор сув ўтказмайдиган ва сув ўтказадиган дамбаларга қаратилган, қисман кўмилган дамбалар ўрганилган, қурилиш коэффициенти ўзгармас уйғунлашган дамбалар ва қисман кўмилган ҳолатлари М.Р. Бакиев ва унинг шогирдлари О. Қодиров ҳамда Р.А. Мурадов томонидан ўрганилган.


Ўзбекистон дарёларида қирғоқларни мустаҳкамлаш ва ўзанларни бошқариш ишларининг ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, ушбу ишларга сарфланган харажатлар миқдори 2012 йилда 10.2 млрд сўмни, 2015 йилда эса 36,79 млрд сўмни ташкил қилгани келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот масалалари ва вазифалари. Уйғунлашган дамба яратишнинг асосий шартлари ва янги конструкция. Экспериментал тадқиқотларнинг методикаси ва натижалари**» деб аталадиган иккинчи

бобида ушбу ишнинг биринчи бобида олинган натижалар таҳлилидан келиб чиқадиган тадқиқотлар масалалари ва вазифалари келтирилган.

Мавжуд дамбалар ишлаш самарадорлиги етарли эмаслигидан келиб чиқиб уйғунлашган дамбани яратиш шартлари баён этилади.

Уйғунлашган дамбанинг янги конструкцияси кўрсатилган (1-расм)




**1-расм.** Уйғунлашган дамбанинг янги конструкцияси а) 1 чизмада шпора тасвирланган; б) А-кўриниш; в) Б-кўриниш; г) – икки диагоналли яхлит кирраларга эга блок; д) – бир диагоналли яхлит кирраларга эга блок; е) – тешиклари мавжуд диагонал кирралари бўлган блок; ж) бир диагоналли яхлит ва тешиклари мавжуд кўшимча кирралари бўлган блок

Блокларда тешиклар сонини ўзгартирган ҳолатда сув ўтадиган, ортиқча сувни чиқарадиган қисмга эга ўзгармас, ўзгарувчан, поғонали қурилмали схема ҳосил қилиш мумкин.

Илмий тажрибага асосланган тадқиқотлар иккита 40\*75\*800 см ва 100\*30\*1000 смли гидравлик лотокларда ўтказилди.

Кўрилатган жараёнларни моделлаштириш Фруд сони бўйича бажарилди. Барча тажрибаларда турбулент режим ушлаб турилди. Пландаги масала шартига  $V/h > 6$  амал қилинди. Сув сарфи учбурчак шаклдаги водосливларда ўлчанди. Эркин сатҳ ўлчов игнаси ва нивелир ёрдамида бажарилди. Тезлик САНИИРИ вертушкаси билан ўлчанди. Тажрибалар оқим ва иншоотларнинг қуйидаги катталикларида ўтказилди: Фруд сони -  $Fr_6 < 0,3$ , Рейнольд сони -  $Re > 10000$ , умумий сиқилиш даражаси -  $n < 0,7$ , сув ўтказадиган қисми учун  $n_r < 0,4$ , сув ўтказадиган қисми учун  $n_{ci} = 0,3 \div 0,7$  сув ўтказадиган қисми қурилиш коэффициентлари  $-P_i = 0,3 \div 0,65$ , ўрнатиш бурчаги  $\alpha_d = 75 \div 135^\circ$ .

Уйғунлашган дамба янги конструкцияси модели элементлари 3D принтерда ишлаб чиқарилган элементлардан йиғилган.(2 расм)



**2-расм. Уйғунлашган дамба янги конструкциясининг модели, элементлари 3D принтерда ишлаб чиқарилган**

Экспериментларда тезлик майдони, гирдоб зоналар узунликлари, сатх ҳолати, алоҳида зоналар чегаралари ўрганилди.

Сатх ҳолати таҳлили сатх кўтарилиш, сиқиш ва кенгайиш зоналарининг ҳосил бўлишини кўрсатади. Тезликнинг пландаги эпюралари таҳлили: кам таъсирланган ўзан, интенсив турбулент аралашув, йўлдош оқимлар ва тескари оқим зоналари юзага келишини кўрсатди. Интенсив турбулент ўзгариш зоналарида тезликнинг тақсимланишида универсаллиги аниқланди ва бу ҳолат Шлихтинг-Абрамович боғланишига амал қилади. Диссертацияда ушбу ҳудудлар чегараларини белгилаш учун аналитик боғланишлар келтирилган. Кенгайиш зонасида сув ўтказадиган қисмлар узунлигининг катта бўлмаган кўринишларида турбулент аралашув ягона зонаси юзага келади.


Олинган боғланишларга кирадиган пландаги сиқиш параметри  $\varepsilon$ , ўзаннинг нисбий кенглиги  $K_{\text{я}}$ , юкори гирдоб зона узунлиги  $l_{\text{в}}$ , сиқиш зонаси узунлиги  $l_{\text{сс}}$ , сатхлар фарқи  $z$ , дамба конструкциясига кўра боғлиқ холда аниқланадиган юза бўйича сиқимнинг коэффиценти  $n_w$  миқдорига мос холда ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Уйғунлашган дамбалардан фойдаланилган ўзанларни тартибга солишда сув сатхи кўтарилиш қисмида ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг назарий асосларини ишлаб чиқилиши»** деб аталадиган учинчи бобида уйғунлашган дамбалардаги оқимнинг динамик ўқи оғишининг назарий асослари берилган.

Жулаев Р.Ж томонидан очиқ ўзанда оқимнинг кўндаланг оқиш назарияси яратилиши тўсиқларга оқим таъсири бўйича янги йўналишни бошлаб берди. Бунинг моҳияти шундаки, ҳар қандай тўсиқ оқимнинг динамик ўқини ўзгартиради. Агар икки кесимда солиштирма сув сарфининг тақсимланиши маълум бўлса, уларнинг фарқи бўйича кўндаланг сув сарфи катталигини, бундан ташқари оқим динамик ўқи оғишининг катталигини ҳам ҳисоблаш мумкин.

Вариньон теоремаси I-I ва 0-0 кесимлари учун X ўқиға нисбатан қуйидагича ёзилади:

$$\overline{M_0}(\overline{R}) = \sum M_0(\overline{F}_i)$$



**3-расм. Уйғунлашган дамбанинг янги конструкциясининг оқим схемаси. (қурилиш коэффициенти поғонали ўзгарувчан)**

Ундан, оқим динамик ўқининг нисбий оғиш катталигини аниқлаш мумкин:

$$\lambda_f = \frac{f}{B} = \overline{q_{u1}} n_{c1} (n_2 + 0,5n_{c1}) + \overline{q_{u2}} n_{c2} (n_2 + n_{c1} + 0,5n_{c2}) + \overline{q_{u3}} n_{c3} (n_2 + n_{c1} + n_{c2} + 0,5n_{c3}) + \overline{q_6} n_v \cos \beta_0 (n_2 + n_{c1} + n_{c2} + 0,5n_v) + \overline{q_0} (1-n)[n + 0,5(1-n)] - 0,5 \quad (1)$$

бу ерда  $n = l_\delta \sin \alpha_\delta / B$ ,  $n_2 = l_2 \sin \alpha_\delta / B$ ,  $n_{ci} = l_{ci} \sin \alpha_\delta / B$ ,  $n_v = l_v \sin \alpha_\delta / B$  - оқимни сиқилиш даражаси: умумий, сув ўтказмайдиган ва ўтказадиган қисмлари билан, водослив қисми билан.

$\overline{q_{ui}} = q_{ui} / q_2$ ,  $\overline{q_6} = q_6 / q_2$ ,  $\overline{q_0} = q_0 / q_2$  - нисбий солиштирма сарфлари: сув ўтказадиган қисм ортида, водослив ортида, ўзанни сиқилмаган қисмида.

0-0 кесимда оқим сиқилмаган қисмида солиштирма сув сарфи, сув сарфининг сақланиш тенгласидан аниқланди.

$$\overline{q_0} = \frac{1 - \overline{q_{u3}} n_{c3} - \overline{q_6} n_v \cos \beta_0 - \overline{q_{u2}} n_{c2} - \overline{q_{u1}} n_{c1}}{1-n} \quad (2)$$

бу ерда  $\beta_0 = \alpha_0 - 45^\circ$  - кенгайиш бурчаги

Уйғунлашган дамба янги конструкциясининг танасидан сув ўтказиш қобилияти сув сарфи йиғиндисининг  $(Q_u + Q_6)$  дамба узунлигига мос келувчи сув сарфига нисбати билан ўлчанадиган коэффициент билан баҳоланади.

$$K_0 = \frac{Q_6 + Q_u}{q_2 l_\delta \sin \alpha_\delta} \quad (3)$$

Қуйидаги боғланиш олинган

$$K_0 = \overline{q_6} a \overline{l_v} + \overline{q_{u1}} a_1 \overline{l_{c1}} (1 - P_1) + \overline{q_{u2}} a_2 \overline{l_{c2}} (1 - P_2) + \overline{q_{u3}} a_3 \overline{l_{c3}} (1 - P_3) \quad (4)$$

бу ерда  $P_1, P_2, P_3$  - поғоналарнинг айрим қисмларининг қурилиш коэффициенти;  $a = \frac{\sin(\alpha_\delta + \beta_0)}{\sin \alpha_\delta}$ ,  $a_i = \frac{\sin(\alpha_\delta + \beta_{0i})}{\sin \alpha_\delta}$  - тешик ва сув ўтказадиган қисмларда  $\beta_0, \beta_{0i}$  оқимнинг кенгайиш бурчаглари.


Сиқилиш кесимда ўзаниннг умумий ўтказувчанлик қобилияти қуйидагига тенг:

$$Q = q_{u1} l_{c1} + q_{u2} l_{c2} + q_{u3} l_{c3} + q_6 l_v + q_0 b_0$$

Диссертацияда юқоридагидай ифодалар уйғунлашган дамбаларни сув ўтказадиган қисмлари ўзгармас, ўзгарувчан, поғонали қилиб бажарилган ҳамда кўмилган ҳолатлар учун ҳам ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Уйғунлашган дамбалар ортида оқимнинг таралиш қонуниятларини ҳисобий асослашни ишлаб чиқиш» деб аталадиган тўртинчи бобида турбулент оқим назариясини асослари ва уни уйғунлашган дамбалар кенгайиш масаласини ечишда ишлатилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бу бобда сиқилган зонадаги оқимнинг кинематик параметрлари кўриб чиқилган. Бунда сиқилмаган қисмда оқимнинг тик ва планда сиқилиши давом қилиши, сув ўтказадиган қисми ортида оқим потенциал энергияси тикланиши юз бериши, сув ўтказадиган қисм ортидаги оқим кинетик энергияси ҳар хиллигини ҳам инobatга олувчи ифодалар ишлаб чиқилган (4-расм).



**4-расм. Сув ўтказадиган қисми поғонали уйғунлашган дамба билан бир томонлама сиқилган оқим таралиш схемаси (бошланғич участка)**

Сув ўтказадиган қисмлар ортидаги оқим ўртача тезлик сув ўтказадиган қисм орқали ўтадиган оқим қисми учун импульсларни сақланиш тенгламасидан аниқланган:

$$V^2 = \frac{g(l_c \sin \alpha_0 a_1^2 - bh_x^2)}{2\alpha h_x b} \quad (5)$$

бу ерда  $a_1 = h_{ш} \sqrt{2\alpha Fr_1 l_{c1} + \dots + 2\alpha Fr_i l_{ci} + 1}$

$l_c = l_{c1} + \dots + l_{ci}$  - сув ўтказадиган қисмлар узунлиги;

$Fr_i = \frac{U_{wi}^2}{gh_{ш}}$  - сиқилган кесимда сув ўтказадиган қисмлар учун Фруд сони;

$\bar{l}_{ci} = l_{ci}/l_c$ ;  $b = l_c \sin \alpha_d + cx$  - сиқилган зонада оқим кенгайиши ўзгариш хусусияти, бу ерда тажриба маълумотлари бўйича  $c=0,07$  га тенг.

Сув ўтказадиган қисм оқими чуқурлигининг ўзгариши ҳаракат дифференциал тенгламасидан аниқланган ва у қуйидагича:

$$(2\alpha - 0,5) \frac{h_{ш}^2}{a_1^2} \left[ \left( \frac{h_x}{h_{ш}} \right)^2 - 1 \right] - \ln \frac{h_x}{h_{ш}} = \frac{cx}{l_c \sin \alpha_d} \quad (6)$$

Сиқилган зона ўзагида тезликларни ўзгариши қонунияти 0-0 ва X-X кесимлар учун ёзилган импульсни сақланиш тенгламасидан аниқланган:

$$\frac{U_{яx}}{U_0} = \sqrt{\frac{(1-n) + \overline{U_{ш1}^2} n_{c1} \bar{h}_{ш} + \overline{U_{ш2}^2} n_{c2} \bar{h}_{ш} - \overline{V^2} h_x (n_{c1} + n_{c2}) +}{\bar{h}_{яx} (1-n)}} \rightarrow$$

$$\rightarrow \frac{\frac{(1-n)(1-\overline{h_{яx}^2})}{2Fr_0} - \frac{n}{2Fr_0}(h_x^2 - h_{ш}^2)}{\quad} \quad (7)$$

$$\text{бу ерда } Fr_0 = \frac{v^2}{gh_{ш}}$$

Сув сарфининг сақланиш тенгламаси билан олинган тенгламанинг бирга ечимидан  $U_{я1x}$  - тезликни аниқлаш учун боғланиш ҳосил қилинган:

$$\frac{U_{я1x}}{U_{я2x}} = \frac{C_0 - M_1 - \overline{U_{я2x}M_2}}{\phi} \quad (8)$$

$$\begin{aligned} \text{бу ерда } C_0 &= \overline{U_0}(1-n) + \overline{U_{ш2}h_{ш}}n_{c2} + \overline{U_{ш1}h_{ш}}n_{c1} \\ M_1 &= \overline{b_{яx}h_x} + 0,275(\overline{h_{яx}} + \overline{h_{ш}})\overline{b_1} \\ M_2 &= 0,225(\overline{h_{яx}} + \overline{h_{ш}})\overline{b_1} + \overline{b_{я1x}h_x} + 0,5\overline{b_3h_x} \\ \Phi &= 0,45\overline{b_2h_x} + \overline{b_{я1x}h_x} + 0,5\overline{b_3h_x} \end{aligned}$$

Сўнги формуладан фойдаланиб, тўлиқ оқим учун импульснинг сақланиш қонунини тавсифловчи интеграл нисбатдан  $U_{я2x}$  - тезликнинг ўзгариш хусусияти аниқланди:

$$A_1 m_{я2x}^2 + A_2 m_{я2x} + A_3 = 0 \quad (9)$$

$$\text{бу ерда } A_1 = 0,316B_1 + \overline{b_{я2x}h_x} + 0,416\overline{b_2h_x} - 0,268\overline{b_2h_x}M_2 + \frac{M_2^2 B_2}{\phi^2};$$

$$A_2 = 0,268B_1 + 0,268\overline{b_2h_x}(C_0 - M_1) - \frac{2(C_0 - M_1)}{\phi^2}M_2 B_2;$$

$$A_3 = \overline{b_{яx}h_x} + 0,416B_1 + \frac{(C_0 - M_1)^2}{\phi^2}B_2 + T - B;$$

$$B = \left(\frac{U_0}{U_{яx}}\right)^2 (1-n) + \left(\frac{U_{ш2}}{U_{яx}}\right)^2 n_{c2}\overline{h_{ш}} + \left(\frac{U_{ш1}}{U_{яx}}\right)^2 n_{c1}\overline{h_{ш}}; B_1 = 0,5\overline{b_1}(\overline{h_{яx}} + \overline{h_{ш}});$$

$$B_2 = 0,316\overline{b_2h_x} + (\overline{b_{я1x}h_x} + 0,416\overline{b_3h_x});$$

$$T = \frac{1}{2\overline{h_{яx}Fr_{яx}}} \left[ (1-n) + n\overline{h_{ш}}^2 - h_{яx}^2(\overline{b_{яx}} + \overline{b_1}) - h_x^2(1 - \overline{b_{яx}} - \overline{b_1}) \right]$$

(9) тенглама иккита мусбат илдизга эга, бири бирдан катта, бошқаси бирдан кичик. Илдизи бирдан кичик бўлган тенглама жараёнга зид бўлиб, бу  $U_{я2x} > U_{я1x}$  аниқлаши мумкин. Шунинг учун  $m_{я2x} < 1$  илдиз ҳисобий қилиб олинади.

Юқорида айтилганидек, тезликнинг тақсимланиши тенг деб олинандиган  $(Y_1 - Y_8)$  ва  $(Y_2 - Y_1)$ , нурлари ўртасида интенсив турбулент аралашувнинг икки ҳудуди ҳосил бўлиши аниқланган, бу уйғунлашган дамбалар оқимининг сиқилган кесимида оқимнинг кенгайиш ҳолатлари учун ҳосилдир.

- биринчи ҳудуд учун

$$\frac{U_{яx} - U}{U_{яx} - U_x} = (1 - \eta^{4/3})^2; \eta = \frac{Y_1 - Y}{Y_1 - Y_8}$$

- иккинчи ҳудуд учун

$$\frac{U_x - U}{U_x - U_H} = (1 - \eta^{3/2})^2; \eta = \frac{Y_2 - Y}{b_{3x}}$$

Кенгайган оқим доирасида назарий равишда кам таъсирланган ўзак -  $U_{яx}$  даги тезликни,  $U_x$  аралашув икки ҳудуди чегарасидаги тезликни,  $U_{ix}$  тескари оқим тезлигини, кесим кенгайиш ҳудуди узунлигини  $L_B$  аниқлаш зарур.

$U_{яx}$  тезлиги кенгайиш хуудида С-С ва Х-Х кесимлари учун қайд қилинган оқимда импульснинг сақланиш қонунини тавсифловчи интеграл нисбатдан аниқланади:

$$\frac{U_{яx}}{U_{яc}} = \sqrt{\frac{[\overline{b_{яc}} + \overline{b_{1c}}F_1 + m_{я2c}^2(\overline{b_{я2c}} + \overline{b_{2c}}F_2) + m_{я1c}^2(\overline{b_{я1c}} + 0,416\overline{b_{3c}})]e^{-\frac{a\xi}{2}}}{\overline{b_{яx}} + \overline{b_x}(0,449 + 0,271m_x + 0,281m_x^2) + 0,449m_x^2\overline{b_{3x}}}} \quad (10)$$

бу ерда  $\overline{b_{яc}} = b_{яc}/b_0$ ;  $\overline{b_{1c}} = b_{1c}/b_0$ ;  $\overline{b_{я2c}} = b_{я2c}/b_0$ ;  $\overline{b_{я1c}} = b_{я1c}/b_0$ ;  
 $\overline{b_{3c}} = b_{3c}/b_0$ ;  $\overline{b_{яx}} = b_{яx}/b_0$ ;  $\overline{b_x} = b_x/b_0$ ;

$$a = \frac{\lambda B_{cp}}{h}; \quad \xi = \frac{x}{B_{cp}}; \quad B_{cp} = (b_0 + B)/2$$

$$F_1 = 0,416 + 0,268m_{я1c} + 0,316m_{я1c}^2;$$

$$F_2 = 0,416 + 0,268m_{я2c} + 0,316m_{я2c}^2;$$

$$m_{я1c} = U_{я1c}/U_{яc}; \quad m_{я2c} = U_{я2c}/U_{яc}; \quad m_x = U_x/U_{яx}$$

Аралашувнинг икки хуудиди чегарасида тезлик импульсининг сақланиш ва сув сарфи қонунларининг биргаликдаги ечиш билан орқали аниқланган:

$$A_1 m_x^2 + A_2 m_x + A_3 = 0 \quad (11)$$

бу ерда  $A_1 = \Phi_2^2 B_6 - \Phi_1 B_4$ ;  $A_2 = 0,271\overline{b_x} - 2B_3 B_4$ ;  $A_3 = \Phi_2^2 B_5 - B_3^2 \Phi_1$ ;

$$\Phi_1 = \overline{b_{яc}} + \overline{b_{1c}}F_1 + m_{я2c}^2(\overline{b_{я2c}} + \overline{b_{2c}}F_2) + m_{я1c}^2(\overline{b_{я1c}} + 0,416\overline{b_{3c}})e^{-\frac{a\xi}{2}}$$

$$\Phi_2 = \overline{B_1} + \overline{m_{я2c}}(\overline{b_{я2c}} + \overline{B_2} \overline{b_{2c}} + 0,45\overline{b_{1c}})$$

$$B_1 = \overline{b_{яc}} + 0,55\overline{b_{1c}}; \quad B_2 = 0,55 + 0,45m_{я1c}; \quad B_3 = \overline{b_{яx}} + 0,58\overline{b_x};$$

$$B_4 = 0,416\overline{b_x} + 0,584\overline{b_{3x}}$$

$m_x < 1$  илдиз ҳисобий деб қабул қилинади.

Тескари оқимдаги тезлик бутун оқимга С-С и Х-Х кесимлари учун ёзилган сув сарфини тенгламасидан топилади:

$$m_{нх} = \frac{\frac{U_{яx}}{U_x}M_1 + \frac{U_{я2c}}{U_x}M_2 + \frac{U_{я1c}}{U_x}M_3 - \frac{1}{m_x}M_4 - 0,55\overline{b_{3x}}}{(B - \overline{b_{яx}} - \overline{b_x} - \overline{b_{3x}})} \quad (12)$$

бу ерда  $M_1 = \overline{b_{яc}} + \overline{b_{1c}}(0,55 + 0,45m_{я2c})$ ;  $M_2 = \overline{b_{я2c}} + \overline{b_{2c}}(0,55 + 0,45m_{я1c})$ ;

$$M_3 = \overline{b_{я1c}} + \overline{b_{3c}}(0,55 + 0,45m_{нх}); \quad M_4 = \overline{b_{я1}} + \overline{b_2}(0,584 + 0,416m_x);$$

Кинетик энергия ўзгаришининг аниқ қиймати  $\alpha = 1,33$  - ни олган ҳолда, сиқилган кесимлардан кейинги хууд узунлиги М.Р. Бакиев тавсияси билан аниқланади.

Диссертацияда таралиш зонаси учун юқорида келтирилган ечимлар уйғунлашган дамбаларнинг ўзгарувчан конструкцияси учун ҳам келтирилган. Ечимлар таралиш зонасида бошланғич ва асосий участкалар мавжуд бўлган ҳолатлар учун олинган.

Кўмилган ҳолат учун Р. Мурадов ечимларидан фойдаланиш тавсия қилинган.

## ХУЛОСА

«Уйғунлашган дамба орқали бир томонлама сиқилган оқим қонуниятлари» мавзусида фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ўзгармас, ўзгарувчан ва поғонали қисмларга эга уйғунлашган дамбалар қуришнинг тамойиллари баён қилинди. Элементлар зичлиги  $P_3$  ва ўтказувчанлиги коэффициентини  $P_c$  аниқлаш учун меъерий боғланишлар таклиф қилинди, ушбу коэффициентлар ўртасидаги алоқалар белгиланди, ўзгарувчан қисмга эга уйғунлашган дамбаларни қуриш пайтида элементлар орасидаги масофани  $S_i$  ўрнатиш тартиби келтирилди. Ўрта меъерда зичлик коэффициенти  $P_{03}$ , юза бўйича сиқилиш даражасини  $n_w$ , планда  $n$ , сув ўтказмайдиган қисми  $n_e$ , сув ўтказадиган қисми  $n_{ci}$  билан сиқиш даражалари тушунчалари киритилди ушбу тушунчалар уйғунлашган дамба гидравлик параметрларини аниқлаш имконини беради.

2. Сув ўтказмайдиган қисми маҳаллий грунтдан таркиб топган уйғунлашган дамбанинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди (№ FAP 00925). Дамбанинг ёпиқ томони билан бирлашадиган қисмлар иккала диагональ бўйлаб яхлит блоклар билан тўлдирилган, бош тарафда  $1 \div 1,5$  м чуқурликда сузувчи жисмлар учун битта диагональ бўйлаб яхлит блоклардан  $45^\circ$  бурчак остида бўйлама ўқ тарафга тешиклар яратилган, дамбанинг қолган қисмлари эса ўтказувчан қовурғалар шаклидаги блоклардан ишланган, барча блоклар дарё тубига ўрнатилган устунларга маҳкамланган. Конструкция қовурғалардаги туйнуклар сонини ўзгартирган ҳолда ўзгармас, ўзгарувчан ва поғонали бўлган уйғунлашган дамбаларни ҳосил қилиш имконини беради.

3. Уйғунлашган дамба конструкцияси оқимни сезиларли даражада деформация қилиш хусусиятига эгаллиги аниқланди; юқори бьеф қисмида сув сатхи кўтарилади, қуйи бьефда эса сиқиш ва таралиш зоналари шаклланади. Оқимда катта бўлмаган градиентлар ва йирик кўндаланг тезлик градиентлари мавжуд бўлган қисмлар яққол ажралиб туради, бу эса турбулент струялар назариясида бўлгани сингари гидравлик жиҳатдан бир жинсли зоналардан (кам таъсирланган ўзак, интенсив турбулент аралашув, йўлдош оқим, гирдобли қисмлар) иборат оқимни ўрганиш имконини беради.

4. Ўзак кенглиги  $K_n$ , юқори гидробли зона узунлиги  $l_e$ , сиқиш зонаси узунлиги  $l_{cc}$ , планда сиқиш коэффициентларини  $\varepsilon$  юқори ва пастки сатхлар фарқини  $z$  аниқлаш учун юза бўйлаб сиқиш коэффициенти орқали  $n_w$  ҳар бир дамбанинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аввал олинган боғлиқликларга аниқлик киритиш имконини беради.

5. Уйғунлашган дамбаларни жойлаштириш жараёнида тўсиқлар ёрдамида кўндаланг оқимларни ҳосил қилишга доир Р. Ж. Жулаевнинг назариясидан фойдаланиб оқим динамик ўқи оғишини ҳисоблаб чиқиш таклифи илгари сурилади, уйғунлашган дамба таъсирида (иншоотнинг сув ўтказадиган қисми ўзгарувчан, поғонали ва ўзгармас, ҳамда кўмилган сув ўтказадиган қисмида ва янги конструкцияда) бир томонлама сиқилган

оқимнинг динамик ўқи оғишини ҳисоблашга оид янги усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга таянган ҳолда, шу жумладан, сув олиш иншооти олдида ва орқасида ўзан трассасини белгилаш мумкин. Ушбу усул лойиҳалаш босқичида уларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

6. Оқимнинг динамик ўқидан нисбий оғиши  $\lambda_f$  қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиши аниқланди: табиий ҳолатдаги  $q_2$ , сиқиш створидаги сиқилмаган қисмда  $q_0$ , сув ўтказадиган қисм ортида  $q_{ui}$  солиштирма сарфлардан; умумий  $n$ , сув ўтказмайдиган  $n_e$  ва ўтказадиган  $n_{ci}$  қисмлардаги сиқиш даражасидан; уларнинг ортиши билан оғиш ҳам катталашиб боради, сув чиқарадиган туйнукда  $\lambda_f$  солиштирма сарфнинг кўпайиши эса унинг камайишига  $\lambda_f$  олиб ва оқимнинг динамик ўқи оғишини ҳисоблаш усулини аниқлаш имконини беради.

7. Сиқиш кесимининг сиқилмаган қисмида нисбий солиштирма сарфларнинг  $q_0/q_2$  ўзгариш тартиби баҳолаб чиқилди. Умумий  $n$ , сув ўтказадиган  $n_e$  ва ўтказмайдиган  $n_{ci}$  қисмлардаги сиқиш даражаларининг ортиши уларнинг ўсишига сабаб бўлиши аниқланди. Бошқа тенг шартлар ҳолатида янги конструкцияда кўзда тутилган сув ўтказадиган қисмнинг кўмилиши, шунингдек, сувнинг бир қисмини тешик орқали чиқарилиши оқимнинг сиқилмаган зонасида солиштирма сарфни камайтиришга имкон беради.

8. Ўзгармас, ўзгарувчан ва поғонали иншоотларнинг сув ўтказадиган қисмлари билан уйғунлашган дамба орқали бир томонлама сиқилган кесмида ўзаннинг ўтказувчанлик қобилиятига оид гидравлик ҳисоб усули ишлаб чиқилди. Бунда сув ўтказадиган қисмлар  $K_{zi}$  конструкциясидаги коэффицентларнинг камайтирилиши ҳамда сув ўтказадиган қисмлар нисбий узунлигининг  $l_{ci}/l_0$  ортиши уйғунлашган дамбадаги сув ўтказиш қобилиятининг ўсишига олиб келади. Шунингдек, янги конструкцияда сузувчи жисмларни ўтказишга мўлжалланган тешикларнинг мавжудлиги ҳам сиқилиш кесимида умумий ўтказувчанлик қобилиятига таъсир кўрсатади ва иншоот каллагига тушадиган босимни камайтиришга имкон беради.

9. Сув чиқарадиган қисмнинг ўтказувчанлик қобилияти ҳисобига кўмилган сув ўтказадиган қисмга эга уйғунлашган дамбанинг ўтказувчанлик қобилиятини ҳисоблаш методикаси такомиллаштирилди. Сувнинг тешикдаги тезлиги, сув чиқарадиган  $h_e$  ва ўтказадиган  $h_c$  қисмлар чуқурлиги, сув чиқарадиган  $\beta'_0$  қисмлар ва қуйи оқимларнинг таралиш  $\beta_0$  бурчаклари, дамбани ўрнатиш бурчаги  $\alpha_0$ , оқувда босимнинг камайишини ҳисоблайдиган коэффицент  $\zeta$  ва сув ўтказмайдиган қисмнинг нисбий узунлигини  $l_e/l_0$  ҳисобга олган ҳолда таянч  $V_0$  ҳамда сув чиқарадиган  $V_e$  қисмдаги тезликни аниқлашга хизмат қиладиган аналитик боғлиқлар таклиф этилди. Ушбу таклифлар уйғунлашган дамба гидравлик параметрларини аниқлаш имконини беради.

10. Турбулент струялар назариясидаги асосий тамойилларидан фойдаланиб, уйғунлашган дамба ортида оқимнинг кенгайишига доир назарий

асослар яратилди. Бир жинсли гидравлик зоналарнинг, шу билан бирга, конструкцияга қараб сиқиш жойларида бир нечта турбулент аралашув зоналари ва таралиш қисмида ягона аралашув қисми мавжудлиги исботланди.

11. Уйғунлашган дамбаларнинг ўзгарувчан ва поғонали қисмлар билан сув ўтказадиган қисмнинг сиқилиш зонасидаги ўзгаришларни гидравлик ҳисоблаш услубияти такомиллаштирилди. Сув ўтказадиган қисм ортидаги ўртача тезлик ва чуқурликни ўрнатишга ёрдам берадиган назарий боғлиқликлар, кам таъсирланган ўзакдаги тезликнинг ўзгаришига доир қонуниятлар таклиф этилди, уларда илк маротаба сув ўтказадиган қисм ортидаги оқимнинг турли кинетиклиги, сатхаларнинг бўйлама ва кўндаланг ўзгаришларини ҳисобга олиш имконини беради.

12. Сув ўтказадиган қисмлари ўзгарувчан, поғонали, водосливли қилиб бажарилган уйғунлашган дамбалар билан биртомонлама сиқилган оқимнинг таралишини ҳисоблаш усули, биринчи марта ишлаб чиқилган. Кам таъсирланган ўзакдаги  $U_{як}$ , иккита аралашув зоналар чегарасидаги  $U_x$ , тескари оқимдаги  $U_{ю}$ , сиқилган кесмидаги  $U_{ис}$  тезликларни, таралиш қисми узунлиги  $L_v$  аниқлаш формулалари ишлаб чиқилган. Ечимлар таралиш зонасида струялар назарияси бўйича, бошланғич ва асосий участкалар мавжуд ҳолатлар учун бажаришга имкон беради.

13. Тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган ва улар Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқларини Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний, Хонқа, Боғот ва Урганч участкаларида ҳимоялашда ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Йиллик иқтисодий самарадорлик йилига 80 млн. сўмни ташкил қилади. Уйғунлашган дамбани ҳисоблаш усули «Андижон вилояти Балиқчи туманида Сирдарёнинг ҳарбий қисм жойлашган участкасини ҳимоялаш» лойиҳасини бажариш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ШУКУРОВА СЕВАРА ЭГАМКУЛОВНА**

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ ПОТОКА ОДНОСТОРОННЕ СТЕСНЕННОГО  
КОМБИНИРОВАННОЙ ДАМБОЙ**

**05.09.06- Гидротехническое и мелиоративное строительство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/Т.536.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Бакиев Машариф Рузметович**  
доктор технических наук, профессор,  
заслуженный деятель науки Республики  
Каракалпакстан

**Официальные оппоненты:**

**Мурадов Рустам Анварович**  
доктор технических наук, доцент

**Икрамова Малика Рахимбердиевна**  
кандидат технических наук, старший  
научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Ташкентский архитектурно-  
строительный институт (ТАСИ)**

Защита состоится «14» февраля 2018 г. в 12:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39, Тел: (+99871) 237-22-67. Факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирована № 5). (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39. Тел: (+99871) 237-19-45)

Автореферат диссертации разослан «03» февраля 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № 6 «02» февраля 2018 г.).



**Т.З.Султанов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.А. Янгиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**О.Я. Гловацкий**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одним из важнейших вопросов в мире является борьба с размывами берегов рек, наводнениями, затоплениями городов, населенных пунктов и сельскохозяйственных прибрежных земель. «На территориях, подверженных периодическим затоплениям, проживает порядка 1 млрд. человек»<sup>1</sup>, в этой связи совершенствование методов регулирования селепаводковых явлений имеет особое значение. В этом направлении, особое внимание в практике многих стран, в том числе США, Канада, Германия, Испания, Россия и др. уделено вопросам совершенствования конструкций, методов расчетного обоснования регуляционных сооружений.

В мире ведутся целенаправленные научно-исследовательские работы по совершенствованию методов расчета и проектирования руслорегулирующих и берегозащитных конструкций. В этой связи, одной из важнейших задач является целенаправленное внедрение научно-исследовательских работ, направленных на совершенствование конструкций комбинированных дамб, назначения трассы регулирования при проектировании, определение глубины местного размыва.

На сегодняшний день в нашей Республике, широко внедряются мероприятия, направленные на стабилизированный и безопасный пропуск вод по водотокам и по совершенствованию системы охраны водных объектов Узбекистана. В Узбекистане на берегоукрепительные и противопаводковые работы ежегодно выделяется более 36 млрд. сум. В этом направлении основными причинами аварийных ситуаций и разрушения защитно-регуляционных сооружений является, как несовершенство их конструкций, так и методов расчета и проектирования, связанных с неточным прогнозом русловых переформирований после устройства их в русле реки или на пойме, поэтому требуется совершенствование методов их гидравлического расчета. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. указано о «... дальнейшем развитии мелиоративных и ирригационных объектов для увеличения уровня национальной экономики»<sup>2</sup>. В этой связи имеет важное значение совершенствование принципов создания комбинированных дамб; разработка новых и совершенствование существующих конструкций; исследования отклонения динамической оси потока; разработка теоретических основ расширения потока за сооружением в области сжатия и растекания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-

<sup>1</sup>Истомина М.Н. Комплексная оценка крупных наводнений в мире и их негативных последствий <http://www.dissercat.com/content/kompleksnaya-otsenka-krupnykh-navodnenii-v-mire-i-ikh-negativnykh-posledstviy>

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан»

3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», ПП-1926 от 28 февраля 2013 года «О дополнительных мерах по защите населения и территории Республики Узбекистан от чрезвычайных ситуаций, связанных с селепаводковыми и оползневыми явлениями, на 2013 год», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №13 от 21 января 2014 года «Об утверждении Программы по стабилизированному и безопасному пропуску вод по водотокам Республики Узбекистан на 2014-2015 годы и на перспективу до 2020 года», Законе Республики Узбекистан «О безопасности гидротехнических сооружений» (1999), а также в других нормативно-правовых документах принятых в этом направлении.

**Связь диссертации с ведущими направлениями развития науки и технологий.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Рациональное природопользование и экология».

